**SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI**

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 26-sentabr • Seshanba • 114 (27.606) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## МАДАНИЯТ КОЛЛЕЖИ

Бухорои шарифнинг эски шаҳар қисмида исми жисмига монанд — Маданият коллежи фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг Сиёвуш кўчасига холдек ярашган бу коллеж эски биносини «Миркулол» хусусий қурилиш тресті масъулияти чекланган жамиятининг қурувчилари қайта реконструкция қилдилар. Эндиликда мазкур коллежда 540 ўқувчининг касб-ҳунар эгаллаши учун барча имкониятлар мавжуд.

— Яқин-яқингача Бухоро маданият коллежи уч-тўрт соҳа бўйича мутахассис-кадр тайёрларди, — дейди билим даргоҳи меҳнат фахрийси Ҳ.Нуруллаев. — Ўқув юрти касб-ҳунар коллежи мақомини олгач, янги йўналишлар ташкил этилиб, бугун мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилари, спорт мураббийлари ҳамда бошланғич таълим ўқитувчилари каби ўндан ортиқ соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қурувчилар коллеж биносини миллий меъморчилигимизнинг сўнгги ютуқлари асосида қурганлар. У Арки олий, Ҳавузи Бало каби қатор тарихий обидалар билан уйғунлашиб кетган.

**Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## «МУШТАРИЙ»НИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Намангандаги «Муштарий» тикувчилик акциядорлик жамияти чеварлари йилнинг биринчи ярмини ишлаб чиқаришда улкан ютуқлар билан якунладилар. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 123,3 фоиз ўсди.

Бугунги кунда жамиятда уч юз нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилиб келмоқда. Улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бу эса корхона ишлаб чиқариш қувватидан тўлароқ фойдаланиш имконини бермоқда.

— Ҳозирда ишлаб чиқариш қувватининг 73,5 фоизидан фойдаланмоқдамиз, — дейди бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Алижон Отабоев. — Корхонамиз ривожига 3-тикувчилик цехи ишчилари Матлубахон Холиқова, Ҳакима Қўшматова каби чеварлар қўшаётган ҳисса салмоқли бўлмоқда.



*Суратларда:* корхона ҳаётидан лавҳалар.





Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар

## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИГА МОС ҲАМКОРЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 сентябрь куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сук хонимни қабул қилди.**

— Сизнинг ташрифингизга Корея Республикаси ҳукумати, халқи ва ишбилармон доираларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликка иштиёқи ўсиб бораётганидан яна бир далолат сифатида қараймиз, — деди Ислом Каримов. — Айни пайтда бу ташрифни 2005 йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Корея саммитининг мантиқий давоми дейиш мумкин. Ўзаро муносабатлардаги ишонч ва ҳурмат кўп томонлама ҳамкорлигимиз тараққиётининг кафолатидир.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги икки томонлама алоқалар, жумладан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарлари, ҳукуматлари, турли вазирлик ва идоралари, иқтисодиёт ва маданиятга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг мулоқотлари, қолаверса, хусусий сектор иштирокида ўрнатилаётган тўғридан-тўғри алоқаларнинг аҳамияти каттадир.

Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланган. Томонлар бу ҳужжатга катта аҳамият беради.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ижро органларига Корея Республикаси вакилларининг номзодини қўллаб-қувватлаб келади. Жумладан, мамлакатимиз БМТ Бош котиби лавозимига Жанубий Корея ташқи ишлар вазири Бан Ки Муннинг номзодини ёқлайди. Ўз навбатида Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини, халқаро иқтисодий тизимга кенг интеграциялашувини қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислом Каримов ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 2 баравар кўп бўлганини, 2006 йилнинг биринчи ярмига доир кўрсаткичлар эса бундай ўсиш суръатлари сақланиб турганини кўрсатишини алоҳида таъкидлади.

Жорий йил апрель ойидан Бош вазир сифатида фаолият юритаётган Хан Мёнг Сук кўп йиллар давомида турли жамоат ташкилотларида меҳнат қилган. Кенг дунёқараши ва мураккаб ижтимоий муаммоларни тезда ҳал қила олиш қобилияти билан корейликлар орасида катта обрў қозонган.

— Ўзбекистонга шу йил март ойида депутат сифатида келган эдим, — деди меҳмон учрашувда. — Бу галги ташрифим ўзаро муносабатлар тарихида Корея Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифидир. Ўзбекистондаги барқарорлик, иқтисодиётнинг ривожланишида мамлакат Президентининг хизматлари беқиёс. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз. Айни пайтда Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини, жумладан, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ғояси амалга ошганини юқори баҳолаймиз.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Расмий ташриф билан Ўзбекистонга келган Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сук хоним 25 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди.**

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар муҳокама этилди. Томонлар ўзаро алоқалар изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар. Айниқса, жорий йил март ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи алоқаларни янги поғонага кўтарди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида иқтисодий соҳада 1992 йилдан бошлаб ўзаро энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 38 фоизга ошиб, 564,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 301,4 миллион долларга етди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган жами сармояси эса 1,5 миллиард доллардан ошади.

Бош вазирлар учрашувида ўзаро алоқаларнинг бугунги ҳолати таҳлил этилиб, истиқболдаги ишлар режаларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзаро манфаатли муносабатлар кўламини янада кенгайтириш борасида атрофлича фикр алмашилди. Хусусан, энергетика, тоғ-кон саноати, ахборот ва коммуникация технологиялари, қурилиш ва меъморлик соҳаларидаги ҳамкорлик салоҳияти юксалиб бораётгани таъкидланди.

Музокара якунида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ижтимоий таъминот тўғрисидаги битим ижроси бўйича аҳдлашув, Қурилиш ва меъморлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан Корея Эксимбанки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, ушбу жамғарма билан Корея Тараққиёт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, «Ўзавтойўл» давлат акционерлик компанияси билан Корея Автомобиль йўллари корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Корея Алоқа ва ахборот вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси билан Кореянинг Тижорат, саноат ва энергетика вазирлиги ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сук хоним пойтахтимиз марказидаги Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлмиш Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Корея Республикаси Бош вазири Мустақиллик майдонида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишар экан, унинг ўзига хос ва бетакрор қиёфаси кишида катта таассурот қолдиришини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Илгизар Собиров билан мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг янги шаклланган икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини фаоллаштириб боришга келишиб олдилар.

Хан Мёнг Сук хоним Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги парламентлараро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар муҳокама этилди.

Ўтган йил февраль ойида Корея Республикаси Миллий ассамблеясида (парламент) Ўзбекистон билан алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида дўстлик гуруҳи тузилди. Сентябрь ойида эса шундай гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳам ташкил этилди. Бу гуруҳлар нафақат парламентлараро алоқалар, балки бошқа соҳалардаги ҳамкорлик кўламини ҳам кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**(ЎзА)**

**• ЎзХДП ҳаёти**

## МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ, МАЪРИФАТ

### ЖАМИЯТНИ ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРУВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧДИР

**Аввал хабар берганимиздек, Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолларининг республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Анжуман «Партия ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП V қурултойи ва Марказий Кенгаш III ва IV пленумларининг мафкуравий ишларга оид кўрсатмалари ижросини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ таъминлашга доир вазифалари» мавзуига бағишланди. Семинар-кенгаш давомида музокараларда сўзга чиққанлар турли фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдиришди. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.**

**Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ёзувчилар уюшмаси раиси:**

— Ҳаётда фаоллик бўлмаса, жим яшаш билан бирор-бир улуғ мақсадга етиб бўлмаслигини тарих аллақачон исботлаб берган. Мен шу кунларнинг муҳим воқеаларидан бири Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорининг эълон қилинганлиги, деб биламан. Бу ерда фаол ҳаммаслаклар йиғилган экан, ўз олдимизга муҳим вазифаларни белгилаб олишимиз керак. Чунки маънавият, мафкура масаласи бугунги кунда ўта долзарб эканлиги кўриниб турибди. Президентимиз айтганларидек, ядро полигонларидан кўра мафкура полигонлари хавфлироқ, хатарлироқдир.

Бугун ахборот технологиялари ниҳоятда ривожланиб кетди. Дунёнинг нариги чеккасида бўлаётган воқеалардан бир зумда хабардор бўлиш мумкин. Ахборотлар кураши, жанги давом этаяпти. Булар баъзан иғво, ғийбат, ғараз, маҳаллийчилик, миллатчилик, жосуслик — ҳамма-ҳаммасининг бир-бири билан қўшилиб кетишига олиб келмоқда. Бу инсониятни жар ёқасига келтириб қўяди. Энди башарият бирлашиб ўзини ҳимоя қилмаса, унинг оқибати яхшиликка олиб бормаслиги аниқ-равшан кўриниб қолди.

Маънавият бир уммонки на чегараси, на туби бор. Ҳамма жойда меъёр албатта сақланиши лозим. Шунингдек, маънавият, мафкура соҳасида ҳам. Чунки меъёр инсониятни бошқариб келаётган тушунчадир. У бузилган жойда ҳар қандай ғоя ғайриилмга айланади, акс таъсир қила бошлайди, кишининг ғашини келтиради, дидсизлик, савиясизликни келтириб чиқаради, муқаддас ғояларни ҳам обрўсизлантириб қўяди. Шунинг учун келинглар барча ишларимизни, айниқса, мафкуравий фаолиятимизни ўз меъёрида, назокат билан олиб борайлик. Ўз ғояларимиздан атрофдагиларни бездириб қўймасдан, уларнинг жозибадорлигини кўрсатиб берайлик. Шунда кўзлаган мақсадларимизга етишимиз осон кечади.

**Аслиддин РУСТАМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси:**

— Ҳозирги кунда шаҳару қишлоқларимиз гўзал бўлиб бораяпти, ободончилик ишлари кенг миқёсда олиб борилаяпти. Буни биз бутун республикамиз бўйлаб хизмат сафарларига борганимизда ҳам кўраяпмиз. Лекин асосий битта масала — энди одамларимизнинг онгини, фикри-ўйини гўзал қилишимиз керак. Мана шунда биз кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин. Миллий ғурурсиз, миллий анъаналарсиз келажак йўқлигини, маънавиятсиз кишилардан, айниқса, ёшлардан ҳар қандай бузғунчи кучлар ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишлари мумкинлигини биз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Тарғибот-ташвиқот ишларимизда асосий эътиборни мана шуларга қаратсак, менимча тўғри бўларди. Бирон бир сиёсий партия мафкурасиз яшай олмайди. Партия ўзининг аниқ ғояси ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари билан тирик. Энг аввало, партиямизнинг ғояси халқимиз ва сайловчиларимизга тушунарли бўлиши керак. Партиянинг аъзолари эса мана шу ғояга садоқатли бўлиб, уни халқ орасида кенг тарғиб қила оладиган бўлсагина биз жуда кўп нарсага эришамиз.

Фракциямиз аъзолари ҳам тарғибот-ташвиқот ишларида бевосита қатнашиб келмоқдалар. Президентимизнинг ижтимоий аҳамиятга молик фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини халққа тушунтириш мақсадида жойларда учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

2-бет

## ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси (иккинчи ўқиш) муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасини янада мукаммаллаштириш мақсадида лойиҳа матнига янги ўзгартишлар киритилди, бир неча моддаларнинг айрим қисмларидаги қоидалар лойиҳадан чиқарилмоқда. Шу боис ушбу қонун лойиҳасининг таклиф этилаётган таҳрири амалдаги таҳрирдан кескин фарқ қилади.

Фракция йиғилишида, шунингдек, «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (иккинчи ўқиш) муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Депутатлар Қонунчилик палатаси мажлисига иккинчи ўқишда киритилаётган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан таклиф, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Маълумки, ушбу қонун лойиҳаси бир гуруҳ депутатлар томонидан киритилган бўлиб, унинг мақсади нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Фракция йиғилишида депутатлар яна бир ҳужжат — биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича фикрлашиб олдилар. Лойиҳага мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунига ҳамда 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга гаров масалалари юзасидан аниқлик киритиш мақсадида ўзгартишлар киритилмоқда.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

• Пахта — 2006

# ТАДБИРКОРЛИК ЗАФАР КЕЛТИРДИ

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ЯККАБОҒ, ШАҲРИСАБЗ ВА КИТОБ ТУМАНЛАРИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК РЕЖАСИНИ БАЖАРДИ



Шаҳрисабзда Яхё Эргашев деган инсон бор. Хўжаликда бир умр техникани созлаб-ростлаб ўтган. Икки йил бурун 17 гектар ер олиб фермер бўлди. Куни кеча у киши билан учрашдик.

— Бир дарёдан сув ичаётган уч туман деҳқонларининг пойгада ўзгани бежиз эмас, — дейди салмоқ билан у. — Эсимда, бундан уч йил бурун Президентимиз даламизга келганларида, ер сиздай кишиларники, деган эдилар... Мана, фермер бўлдим. Болаларим ёнимда. Демак ер эгалик бўлса донни ҳам, пахтани ҳам кутаверинг. Айримлар омади келди, буларни дейди омадку яхши, аммо меҳнат қилинмаса омад қаерда...

Дарҳақиқат, туман ҳокимларидан «Муввафақиятнинг сири нимада,» деган саволга олган жавобларимда отахон ҳақлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

**Зафар РЎЗИЕВ, Яккабоғ тумани ҳокими, сенатор:**

— Очиғи, туман кейинги йилларда ҳеч қачон пахтачиликда пешқадамлик қилолмаган. Пахта терими ёғин-сочинли кунларга уланиб кетганини кўпчилик унутган эмас. Шу тарзда ер ёмон ҳайдалган, дам ололмаган, алмашлаб экиш жорий қилинмаган.

Биринчи навбатда ана шу хатолардан сабоқ чиқариб олдик. Ер ўз вақтида ҳайдалди. Март ойининг охирида чигит экишни бошлаб, жуда барвақт тугалладик. 6300 гектар ердаги ғўза ниҳолларини тўлиқ ундириб олдик. Туманимиз «Сандал» канали орқали Зарафшон, «Оқ сув — Яккабоғ» канали орқали Қашқадарё сувидан ичади. Демак, бу йилгидек шароитда сувдан тежаб фойдаланиш асосий талабга айланди. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, ернинг ҳақиқий эгасига топширилгани ҳам ўз натижасини берди. Мисол учун, пахта сотиш юзасидан шартнома тузган 1073 фермернинг 673 таси мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. «Яккабоғ Дурдона», «Деҳқончорва», «Хайрабод» сингари ўнлаб фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 32 центнер ўрнига 55-60 центнерга етди. Хуллас, шартномадаги 19700 тонна пахтани тугал етказиб бердик. Чамаладик, ҳисобладик. Яна 6000 тонна пахта сотамиз. Бу ҳосил далаларимизда бор.

**Ўктам ХИДИРОВ, Шаҳрисабз тумани ҳокими:**

— Мақтанмайман. Аммо мамнуният билан айтмоқчиман. — Шаҳрисабзнинг тупроғи аслида ҳам зар. Бу ўринда мева, узум, тут дарахти етиштириш учун иқлим қулайлигини айтмай қўя қолай. Бу йил ғалла ҳам мўл бўлди. Воҳада энг кўп пилла етиштирдик.

Пахта — фахримиз. «Оқ Сарой» ёдгорлиги атрофи кавланганда, бундан олти юз йил бурун ясалган, зарҳал пахта чаноғи тасвири туширилган сопол кошинлар топилган эди. Соҳибқирон бобомиз ҳам ўз «Тузук»ларида деҳқонларга уруғ берганларини, бу ишни давлат сиёсати деб билганларини ёзиб қолдирганлар. Демак, деҳқончилик, хусусан, пахта бу юртда ҳамиша эъзозли бўлиб келган. Бу йил чигитни саралаб, барвақт экиб олдик. Айримлар сизлар сувга серобсиз, дейишади. Тўғри, «Ҳисорак» сув омбори шундоқ тоғнинг тепасида. Бироқ унинг сувига тўрт туман деҳқонлари кўз тиккан. Ҳисоб-китоб ҳам қаттиқ бўлди. Биз маҳаллий ўғитни кўп жамғаришга ва далаларга солишга асосий эътиборни қаратдик. Умуман, 5800 гектар ердаги ғўзанинг чанқашига йўл қўймасликка уриндик. Қишлоқ хўжалигига агрокимё, техника, сервис хизмати кўрсатиш нумунали уюштирилди.

Теримни уюшқоқлик билан бошладик. Ҳозиргача 633 миллион сўм нақд пул теримчиларга тарқатилди. Агар 570 та фермер пахта сотиш юзасидан шартнома тузган бўлса ҳозиргача уларнинг 90 фоизи ваъдасини барвақт уддалади. Натижада, юқори навли 17500 тонна пахта етказиб бериб, зафар қучдик.

Айни кунларда Қарши шаҳрининг қутлуғ тўйига қизғин ҳозирлик кетмоқда. Бу сана биз шаҳрисабзликлар учун ниҳоятда азиз. Шунинг учун ҳам яна 3000 тонна пахта етиштиришга аҳд қилдик.

— «Пахта Китоб тумани, китобликлар учун нима ўзи!» деб сўрадингиз-а, — **дейди туман ҳокими Луқмон ҒАФФОРОВ.** — Тўғри, энг кўп узум, сабзавот, мевани биз етиштирамиз. Агар аҳоли тармоқларини ҳам ҳисобга олсак, бу йил узум ҳосили 40 минг тоннадан, мева 6-7 минг тоннадан, сабзавот 30-35 минг тоннадан кам бўлмайди. Жами 1673 гектар боғнинг 765 гектари, 4013 гектар токзорнинг 2811 гектари ҳосилга кирган. Уларнинг ҳаммаси эгали, фермер хўжаликлари қўлида. Энди яна саволга қайтайлик. Пахтанинг даромади яхши, деҳқонларимиз бу соҳада ҳамиша моҳир бўлишган. Масалан, собиқ Турдиев номли хўжалик асосан пахта экар, аммо қулоғигача қарзга ботганди. Энди янгидан тузилган 150 фермер хўжалигининг ҳар бири бу йил камида 2-3 миллион сўмдан фойда олаётганини ҳисоблаб кўринг-чи?!

Имкониятларни чамалаган китоблик деҳқонлар яна 2,5 минг тонна пахта етказиб беришга қарор қилишди.

**Жонимқул ҲАСАНОВ, Қашқадарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси етакчи мутахассиси:**

— Аввало ҳар учала туман пахтакорлари фидокорона меҳнат қилишди. Чунки бу йилги табиат инжиқликлари, хусусан, сув танқислиги ҳаммага баровар-да. Аммо юқори туманларнинг маррага бирданига етиб келиши ҳам биринчи марта юз бераяпти. Хусусан, Яккабоғ туманининг юки ҳар вақт оғир бўлган. Шаҳрисабз ва Китоб туманларида азалдан пахтачиликда катта тажриба тўпланган. Бу ҳам муҳим омил бўлди. Тўғри, чўл туманларига нисбатан уларда таъбий иқлим деҳқончилик учун соз келди. Хуллас, ҳамма гап тадбиркорликда.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## XORIJDA

### ИРОҚ

Ироқ бош вазири Нури Малики мамлакат аҳолисини муборак Рамазон ойида турли диний ва этник зиддиятларни унутиб, бирдамлик сари қадам қўйишга чақирди.

Бош вазир мурожаатидан бир кун олдин Бағдоднинг асосан шиалар яшайдиган Садр-сити туманида рўй берган кучли портлаш 35 одамнинг ҳаётига зомин бўлди.

— Биз этник ва диний тўсиқларга қарамай бирдамликда яшовчи биродарларга айланамиз, ё Ироқ бир-биридан ўчини олмоқчи бўлган турли гуруҳлар жанг майдонига айланади, — деди бош вазир.



### ШВЕЙЦАРИЯ

Якшанба куни Швейцарияда умуммиллий референдум ўтказилди. Унда Швейцарияда бошпана бериш ва иммиграция қоидалари кучайтирилиши керакми деган масала қўйилди. Мамлакат аҳолисининг 68 фоизи бу қоидалар кучайтирилишини назарда тутган қонунлар қабул қилиниши учун овоз берган бўлса 32 фоизи қаршилигини билдиришди.

Янги қонунлар кучга кириши билан бошпана берилишида рад этилган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатилиши тўхтатилади. Бунинг устига улар Швейцария ҳукуматининг репатриация (қочоқ ва муҳожирларни ўз ватанига қайтариш) ҳақидаги талабини рад этса, бунинг учун белгиланадиган қамоқ жазоси муддати бир ярим йилгача узайтирилиши қайд этилди.

Бундан ташқари, энди аниқ иш жойи ва меҳнат шартномаси йўқ, Европадаги бирорта мамлакатнинг фуқароси бўлмаган шахсларга Швейцарияга кириш ман этилган. Бу қоидалар Европа Иттифоқи фуқароларига тегишли эмас.

### ХИТОЙ

Хитойнинг Сянган (Гонконг) шаҳрида тилладан қурилган меҳмонхона хонаси фойдаланишга топширилди. Бу кошонада бир кеча тунаш 25 минг долларга тушади.

«Swisshorn Gold Palace» меҳмонхонасида 650 квадрат метрни эгаллаган хонанинг девор, шифт, қандил, диван, стол, ўтирғичлар ва ҳатто сантехникаси ҳам тилла билан ясатилган. Бу хонани ясатиш учун беш йил вақт кетди. Хона меҳмонхонага 82 миллион долларга тушиб, унга 2 килограмм олтин ишлатилди.



**Мулкчилик шаклидан қатъи назар қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ташкилот, корхона ва фирмалар раҳбарлари диққатига!**

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

*2007 йилда Сурхондарё вилоятида қурилиш ишлари олиб бориладиган умумтаълим мактабларига танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш билан очиқ танлов савдоси ўтказилишини*

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Иншоот номи ва жойлашуви | Мактаб рақами | Куввати (ўрин) |
|---|---|---|---|
| | **ЯНГИ ҚУРИЛИШ:** | | |
| 1 | Бойсун тумани, Бойсун ш/х, Тангимуш маҳалласи | 34 | 630 |
| 2 | Бандихон тумани, Бандихон ҚФЙ, Қизилқолоқ маҳалласи | 5 | 630 |
| 3 | Қизириқ тумани, Истиқлол маҳалласи | 23 | 630 |
| 4 | Сариосиё тумани, И.Диёров ш/х, Охунбобоев маҳалласи | 17 | 630 |
| | **КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ:** | | |
| 1 | Ангор тумани, Таллимарон ш/х | 36 | 410 |
| 2 | Ангор тумани, Мустақиллик ш/х | 38 | 140 |
| 3 | Бандихон тумани, Бандихон ҚФЙ Сарой маҳалласи | 7 | 210 |
| 4 | Бандихон туман, Қизириқ ҚФЙ, Полвонтош маҳалласи | 6 | 240 |
| 5 | Бойсун тумани, Қўрғонча ш/х | 17 | 240 |
| 6 | Бойсун тумани, Бойсун ш/х | 51 | 210 |
| 7 | Бойсун тумани, Бойсун ш/х | 20 | 140 |
| 8 | Бойсун шаҳри | 39 | 430 |
| 9 | Денов тумани, С.Раҳимов ш/х | 16 | 210 |
| 10 | Денов тумани, А.Ҳидоятова ш/х | 62 | 505 |
| 11 | Денов тумани, Мустақиллик ДФУ | 64 | 390 |
| 12 | Денов шаҳри | 75 | 1010 |
| 13 | Жарқўрғон тумани, Т.Шобурова ш/х | 9 | 315 |
| 14 | Жарқўрғон тумани, Шарқ юлдузи ш/х | 22 | 555 |
| 15 | Жарқўрғон тумани, Оқтепа ф/у | 55 | 390 |
| 16 | Қизириқ тумани, Халқобод маҳалласи | 5 | 520 |
| 17 | Қизириқ тумани, Халқобод маҳалласи | 25 | 240 |
| 18 | Қизириқ тумани, Яккатерак маҳалласи | 10 | 660 |
| 19 | Қизириқ тумани, Такия маҳалласи | 32 | 460 |
| 20 | Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон ш/х | 54 | 210 |
| 21 | Қумқўрғон тумани, Бешқаҳрамон ш/х | 36 | 210 |
| 22 | Қумқўрғон тумани, Сайхон ш/х | 29 | 455 |
| 23 | Қумқўрғон тумани, Оққапчиғай ҚФЙ | 28 | 595 |
| 24 | Музработ тумани, Қўнғирот ДФУ | 28 | 378 |
| 25 | Музработ тумани, Ш.Бобоева ш/х | 39 | 460 |
| 26 | Музработ тумани, А.Қодирий ш/х | 5 | 290 |
| 27 | Олтинсой тумани, Ширин ш/х | 19 | 210 |
| 28 | Олтинсой тумани, Оқ олтин ш/х | 11 | 470 |
| 29 | Олтинсой тумани, Катта Вахшивор ш/х | 39 | 470 |
| 30 | Олтинсой тумани, Зардакўл д/х | 35 | 210 |
| 31 | Сариосиё тумани, Бобур ш/х | 18 | 830 |
| 32 | Сариосиё тумани, И.Диёров ш/х, Хубон қишлоғи | 42 | 190 |
| 33 | Сариосиё тумани, С.Кассиров ш/х, Қаҳрамон қишлоғи | 36 | 560 |
| 34 | Сариосиё тумани, Дашнобод ш/х, Сарижар маҳалласи | 35 | 560 |
| 35 | Термиз тумани, Намуна ш/х | 31 | 320 |
| 36 | Термиз тумани, Янгиариқ ш/х | 21 | 430 |
| 37 | Узун тумани, Гулистон ш/х, Шаҳрихонов қишлоғи | 10 | 315 |
| 38 | Узун тумани, «Қудуқли» қишлоғи | 17 | 315 |
| 39 | Узун тумани, Боботоғ ДФУ, Маданий турмуш қишлоғи | 32 | 238 |
| 40 | Узун тумани, Хонжиза ш/х, Хонжиза қишлоғи | 37 | 210 |
| 41 | Шеробод тумани, Э.Бердиев ф/х | 10 | 140 |
| 42 | Шеробод тумани, Н.Муродов ф/х | 39 | 210 |
| 43 | Шеробод тумани, Наврўз ф/х, Лайлагон қишлоғи | 50 | 160 |
| 44 | Шўрчи тумани, У.Дониёров ш/х | 19 | 415 |
| 45 | Шўрчи тумани, Боботоғ ф/х | 40 | 120 |
| | **КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ:** | | |
| 1 | Термиз шаҳри | 14 | 1350 |
| 2 | Ангор тумани, Новшаҳар ДФУ | 12 | 620 |
| 3 | Ангор тумани, Таллимарон ДФУ | 14 | 680 |
| 4 | Ангор тумани, Қорасув ДФУ | 5 | 580 |
| 5 | Ангор тумани, Ўзбекистон Мустақиллиги 10 йиллиги ДФУ | 19 | 320 |
| 6 | Бандихон тумани, Қизириқ ҚФЙ, Навбаҳор маҳалласи | 10 | 280 |
| 7 | Бандихон тумани, Чорвадор ҚФЙ, Конгисой маҳалласи | 20 | 320 |
| 8 | Бадихон тумни, Чорвадор ҚФЙ, Конгисой маҳалласи | 23 | 120 |
| 9 | Бойсун тумани, Бойсун ш/х | 31 | 512 |
| 10 | Бойсун тумани, Бойсун ш/х | 32 | 519 |
| 11 | Бойсун тумани, Сайроб ш/х | 37 | 417 |
| 12 | Бойсун тумани, Мачай ш/х | 14 | 160 |
| 13 | Бойсун тумани, Мачай ш/х | 24 | 100 |
| 14 | Бойсун тумани, Қўрғонча ш/х | 18 | 160 |
| 15 | Денов тумани, Ш.Рашидов ш/х | 2 | 425 |
| 16 | Денов тумани, Мустақиллик ДФУ | 11 | 330 |
| 17 | Денов тумани, Хайробод қўрғони | 50 | 1176 |
| 18 | Денов тумани, Ш.Худойназаров ш/х | 51 | 1176 |
| 19 | Денов тумани, Ғалаба ш/х | 54 | 430 |
| 20 | Денов тумани, Наврўз ДФХ | 55 | 500 |
| 21 | Денов тумани, А.Каримов ДФУ | 56 | 500 |
| 22 | Денов тумани, А.Темур ш/х | 73 | 600 |
| 23 | Денов шаҳри | 79 | 900 |
| 24 | Жарқўрғон тумани маркази | 2 | 1276 |
| 25 | Жарқўрғон тумани, Т.Шобуров ш/х | 4 | 940 |
| 26 | Жарқўрғон тумани, Жарқўрғон СФУ | 35 | 580 |
| 27 | Қизириқ тумани, Роботак маҳалласи | 2 | 624 |
| 28 | Қизириқ тумани, Гулзор маҳалласи | 13 | 270 |
| 29 | Қизириқ тумани, Наврўз маҳалласи | 22 | 320 |
| 30 | Қизириқ тумани, Шредер маҳалласи | 20 | 726 |
| 31 | Қумқўрғон тумани, Ҳуррият маҳалласи | 27 | 820 |
| 32 | Қумқўрғон тумани, Бешқаҳрамон ш/х | 21 | 340 |
| 33 | Қумқўрғон тумани, Бешқаҳрамон ш/х | 25 | 922 |
| 34 | Қумқўрғон тумани, Оққапчиғай КФЙ | 19 | 442 |
| 35 | Қумқўрғон тумани, Ш.Мирзаев ш/х | 39 | 490 |
| 36 | Музработ тумани, А.Қодирий ш/х | 50 | 170 |
| 37 | Музработ тумани, А.Набиев ш/х | 18 | 250 |
| 38 | Музработ тумани, Гагарин қўрғони | 21 | 624 |
| 39 | Олтинсой тумани, Пахтакор ш/х | 8 | 620 |
| 40 | Олтинсой тумани, Навобод ш/х | 41 | 460 |
| 41 | Олтинсой тумани, Алпомиш ш/х | 13 | 900 |
| 42 | Олтинсой тумани, Олтинсой ш/х | 56 | 420 |
| 43 | Олтинсой тумани, Бобур ш/х | 16 | 720 |
| 44 | Олтинсой тумани, Пахтакор ш/х | 7 | 646 |
| 45 | Олтинсой тумани маркази | 1 | 760 |
| 46 | Сариосиё тумани, С.Кассиров ш/х, Деҳқонобод қишлоғи | 45 | 620 |
| 47 | Сариосиё тумани, Шарғун шаҳри | 1 | 400 |
| 48 | Сариосиё тумани, Охунбобоев ш/х, Кенгузар маҳалласи | 14 | 150 |
| 49 | Сариосиё тумани, Г.Ҳидоятов ш/х, Пахтакор қишлоғи | 57 | 160 |
| 50 | Сариосиё тумани, Шарғун шаҳри | 4 | 960 |
| 51 | Сариосиё тумани, Охунбобоев ш/х, Ҳисорак қишлоғи | 48 | 210 |
| 52 | Сариосиё тумани, Токчиён ш/х, Янгиқишлоқ қишлоғи | 62 | 160 |
| 53 | Сариосиё тумани, Бобур ш/х, Телпакчинор маҳалласи | 21 | 600 |
| 54 | Термиз тумани, Янгиариқ ш/х | 23 | 590 |
| 55 | Термиз тумани, Учқизил қўрғони | 1 | 1044 |
| 56 | Термиз тумани, Янгиариқ ш/х | 16 | 1060 |
| 57 | Узун тумани, Б.Очилдиев ш/х, Жончека қишлоғи | 22 | 694 |
| 58 | Узун тумани, К.Алиев ш/х, Маданий турмуш қишлоғи | 30 | 566 |
| 59 | Узун тумани, Боботоғ ДФУ | 36 | 180 |
| 60 | Узун тумани, Хонжиза ш/х | 48 | 200 |
| 61 | Узун тумани, Серҳаракат ш/х, Оқостона қишлоғи | 52 | 260 |
| 62 | Узун тумани, Гулистон ш/х, Гулистон қишлоғи | 58 | 136 |
| 63 | Шеробод тумани, У.Туропов ш/х, Бойбулоқ қишлоғи | 29 | 320 |
| 64 | Шеробод тумани, Н.Муродов ф/х | 30 | 442 |
| 65 | Шеробод тумани, Қўҳитанг ш/х, Қорабоғ қишлоғи | 35 | 490 |
| 66 | Шеробод тумани, Э.Бердиев ф/х | 44 | 784 |
| 67 | Шеробод тумани, Наврўз ф/х | 51 | 544 |
| 68 | Шеробод тумани, Ўзбекистон ф/х | 59 | 356 |
| 69 | Шеробод тумани, Н.Муродов ф/х | 62 | 356 |
| 70 | Шўрчи шаҳри | 1 | 1144 |
| 71 | Шўрчи тумани, Ижтимоият ш/х | 15 | 640 |
| 72 | Шўрчи тумани, Олатемир ш/х | 16 | 610 |
| 73 | Шўрчи тумани, Охунбобоев ш/х | 28 | 360 |

### МАЛАКАНИ ОЛДИНДАН АНИҚЛАШ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАЛАБГОРЛАРГА ҚУЙИДАГИ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ҚЎЙИЛАДИ:

❖ ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур мутахассисларга;

❖ фуқаро ҳуқуқий қобилиятга ва шартнома тузиш ваколатига;

❖ шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

❖ ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши ва танлов предмети объектида ўз кучи билан бажаришга режалаштирилаётган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида);

❖ 2004-2006 йилларда ҳар йили ўз кучи билан 500 млн. сўмдан кам бўлмаган (янги қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига) ва 200 млн. сўмдан кам бўлмаган (капитал таъмирлаш объектларига) пудрат ишларини бажарганлик.

Қайта ташкил бўлган (ажратилиш, қўшилиш), тугатилиш ёки мол-мулклари хатланиб, банкрот ёқасида турган, шунингдек таъсис актлари, молиявий иштироки, холдинг ва бошқа шаклдаги бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий тобе бўлган талабгорларнинг танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг **«ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМАДА»** ўз ифодасини топган.

Қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Танлов ташкилотчисининг манзили: **Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76, 2-44-57.** Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатлари шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг 5 кундан кечикмай берилади.

Ташкилотларнинг малакасини олдин аниқлаш бўйича таклифлар очилиши қуйидаги манзилда ўтказилади: **Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.** Пакетларни очиш вақти қўшимча маълум қилинади. Малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосидан (2-босқичга) ўтган оферентaларга танлов ҳужжатларининг тўла тўплами нархи шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг берилади.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар очилиши (2-босқич бўйича) матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ташкилот, корхона ва фирмалар раҳбарлари диққатига!**

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

*2007 йилда Сурхондарё вилоятида қурилиши режалаштирилган касб-ҳунар коллежлари танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш билан очиқ танлов савдоси ўтказилишини*

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Иншоот номи ва жойлашуви | Куввати (ўрин) |
|---|---|---|
| | **ЯНГИ ҚУРИЛИШ ҲИСОБИДАН** | |
| 1 | Термиз шаҳридаги касб-ҳунар коллежи (банк иши) | 540/100 |
| 2 | Ангор тумани, «М.Азизов» номли ширкат хўжалигидаги касб-ҳунар коллежи (педагогика) | 720/200 |
| 3 | Бойсун тумани марказидаги касб-ҳунар коллежи (маиший хизмат кўрсатиш) | 540/50 |
| 4 | Денов тумани, «Холчаён» номли ширкат хўжалигидаги касб-ҳунар коллежи (қишлоқ хўжалик) | 720/50 |
| 5 | Жарқўрғон тумани, «Кайкайди» қўрғонидаги касб-ҳунар коллежи (алоқа ва транспорт) | 540/50 |
| 6 | Музработ тумани, «Қўнғирот» ширкат хўжалигидаги касб-ҳунар коллежи (кичик ва ўрта бизнес) | 720/100 |
| 7 | Термиз тумани, «Намуна» ширкат хўжалигидаги касб-ҳунар коллежи (қурилиш ва коммунал хўжалиги) | 720/50 |
| 8 | Шўрчи тумани, «Олатемир» қишлоғидаги касб-ҳунар коллежи (маиший хизмат кўрсатиш) | 720/50 |
| 9 | Қумқўрғон тумани, «Сайхон» ширкат хўжалиги, К.Эшбоев маҳалласидаги касб-ҳунар коллежи (қурилиш ва коммунал хўжалиги) | 540/50 |
| 10 | Қизириқ тумани, «Пахтакор» қўрғонидаги касб-ҳунар коллежи (қурилиш ва коммунал хўжалиги) | 720/100 |
| 11 | Қумқўрғон тумани, Ш.Мирзаев ширкат хўжалигидаги касб-ҳунар коллежи (иқтисодиёт) | 720/50 |
| 12 | Олтинсой тумани, «Пахтакор» ширкат хўжалигидаги касб-ҳунар коллежи (қишлоқ хўжалик) | 720/50 |
| 13 | Сариосиё тумани, «Чаргон» қишлоғидаги касб-ҳунар коллежи (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш) | 720/50 |
| 14 | Музработ тумани, А.Набиев номли ширкат хўжалигидаги касб-ҳунар коллежи (иқтисодиёт) | 720 |

### МАЛАКАНИ ОЛДИНДАН АНИҚЛАШ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАЛАБГОРЛАРГА ҚУЙИДАГИ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ҚЎЙИЛАДИ:

❋ ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур мутахассисларга;

❋ фуқаро ҳуқуқий қобилиятга ва шартнома тузиш ваколатига;

❋ шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

❋ ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши ва танлов предмети объектида ўз кучи билан бажаришга режалаштирилаётган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида);

❋ 2004-2006 йилларда ҳар йили ўз кучи билан 1000 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарганлик.

Қайта ташкил бўлган (ажратилиш, қўшилиш), тугатилиш ёки мол-мулклари хатланиб, банкрот ёқасида турган, шунингдек таъсис актлари, молиявий иштироки, холдинг ва бошқа шаклдаги бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий тобе бўлган талабгорларнинг танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг **«ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМАДА»** ўз ифодасини топган.

Қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Танлов ташкилотчисининг манзили: **Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76, 2-44-57.** Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатлари шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг 5 кундан кечикмай берилади.

Ташкилотларнинг малакасини олдин аниқлаш бўйича таклифлар очилиши қуйидаги манзилда ўтказилади: **Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.** Пакетларни очиш вақти қўшимча маълум қилинади. Малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосидан (2-босқичга) ўтган оферентларга танлов ҳужжатларининг тўла тўплами нархи шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг берилади.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар очилиши (иккинчи босқич бўйича) матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

**Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.**

